

O'ZBEKISTON OVOZI

ЎЛТИМОИҲ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

• 2006-yil • 11-mart • Shanba • 29 (27.521) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

УЛУҒ АЙЁМ АРАФАСИДАГИ ТАШРИФ

— 19-20 март кунлари бўлиб ўтадиган Қозоғистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи икки қардош халқ ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришга кучли туртки бериб, сиёсий мулоқот, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликда янги имкониятлар очади, — деб таъкидлади ўтган пайшанба кuni Тошкентда бўлиб ўтган матбуот анжуманида Қозоғистон элчиси Тлеухан Кабдрахманов.

Элчи Қозоғистон ўз ташқи сиёсатида биродар Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ва яқин муносабатларни мустаҳкамлашга устувор эътибор қаратаётганини қайд этди. «Шунинг учун Президент Нурсултон Назарбоев навбатдаги президентлик мuddатига сайланганидан сўнг илк хорижий сафарларидан бирини маънавияти ва дунёқарши, тарихий тараққиёти билан бизга яқин бўлган Ўзбекистонга амалга оширмакда, — деди у. — Ташриф жуда юқори — давлат ташрифи мавқеъига эга бўлиб, бу ҳам икки томонлама муносабатларимизнинг устуворлигидан далolat беради».

Икки мамлакатнинг ўзаро манфаатларини инobatта олувчи яқин қўшничилик муносабатлари айни пайтда жадаллик билан ривожланмоқда. Қозоғистон Президентининг бўлажак давлат ташрифи давомида кўплаб долзарб масалалар, шу жумладан, халқаро ташкилотлар ва икки томонлама муносабатлар доирасида сиёсий ҳамкорлик, савдо-иқтисодий алоқалар ривожини, маданий-гуманитар ҳамкорликни чуқурлаштириш мухокама қилинади.


Сўнгги йилларда савдо-иқтисодий ҳамкорлик барқарор суръатларга эга бўлди. Куйидаги рақамлар ушбу фикрни тасдиқлайди, жумладан, агар 2002 йилда икки мамлакат савдо айланмаси 263,3 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич ярим миллиард долларга етди.

— Икки томонлама савдо ҳажмини ошириш ва минтақавий ҳамкорликни жадаллаштириш мақсадида икки мамлакат президентлари томонидан ҳукуматларга савдонини ривожлантириш ва бу йўлдаги асосий маъмурий тўсиқларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш юзасидан кўрсатма берилган. Бу масалалар 13-14 март кунлари Остонада бўлиб ўтадиган Ҳукуматларaro комиссиянинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилди, — деди Қозоғистон элчиси.

Ўзбекистоннинг Евроосий иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши ҳақида гапириб, Т.Кабдрахманов бу ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни жадаллаштириш учун туртки беришини қайд этди. Евроосий иқтисодий ҳамжамиятининг кенгайиши сув-энергетика захиралари ва транзит салоҳиятидан унумли фойдаланиш масалаларини самарали ҳал қилишга ҳам кўмаклашади.

Журналистлар саволларига жавоб берар экан, Қозоғистон элчиси Нурсултон Назарбоевнинг давлат ташрифи икки мамлакат халқлари томонидан кенг нишонланадиган Наврўз байрами арафасида амалга оширилиши бежиз эмас, деб таъкидлади. Наврўз — инсонни улугловчи, порлоқ байрам. Байрамона муҳит расмий делегация вакиллари вакилларнинг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатиб, музокаралар кун тартибидаги масалаларни атрофлича мухокама қилишга кўмаклашади. Т.Кабдрахманов Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари икки мамлакат раҳбарларининг бўлажак учрашуви самарасини яқин келажақда кўришига умид билдирди.

О.ШАТНОВСКИЙ,
«Жаҳон» АА



Алоқа хизмати: ЖАҲОН АНДАЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА

Наманган шаҳар телекоммуникация боғламасининг 442 кишилик аҳил жамоаси қирқ беш мингдан зиёд абонентга намунали алоқа хизмати кўрсатиб келмоқда. Бу ерда энг замонавий — Германиянинг «Алкател» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 10800 рақамли ва Хитойдаги «ХУАВЕЙ» компаниясининг 9648 рақамли электрон станциялари ишлаб турибди. Уларни айни шу мамлакатларда малака ошириб қайтган тажрибали мутахассислар бошқармоқда.

Мустақиллик йилларида соҳада жуда катта ижобий ўзгаришлар юз берди. — Мавжуд 11 та АТСда ўндан ортиқ қўшимча хизмат турлари жорий этилди. Шаҳар АТСларини бир-бирига боғлаш ва мижозларга жаҳон андазалари талабларини қанақадан қанақадан қўришади эришиш учун 37 километр узунликдаги шийа толали оптик кабель ётқизилди.

Суратларда: боғламанинг 24-электрон АТС бошлиғи Фуломжон Жағиров ва моҳир алоқачилар — Насиба Ғоziбoвeвa, Ҳaбибулло Тўпатиллаев, Зулфия Нуриддиновалар.



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ўзА) олган суратлар

ЭЪТИБОР, ЭЪЗОЗ, ЭЪТИРОМ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ЎЗБЕКISTON ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИДАН РУХЛАНГАН ОНАЛАРИМИЗ, ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ ТАҲРИРИЯТИМИЗГА КЎНФИРОК ҚИЛИБ, ЎЗ ДИЛ СЎЗЛАРИНИ БИЛДИРИШМОҚДА

Ҳар қандай жамиятнинг ўзи таянадиган тамойиллари, олға сурадиган омиллари, интиладиган манзиллари бўлади. Бу эса ўша жамиятнинг келажагини, мавқеини белгилайди. Ер юзиданги бошқа миллатларни камситмаган ҳолда битта ҳақиқатни айтиш мумкинки, ўзбек халқи хамиша ўз яратувчисини таниган. Авлодлар давомчиси бўлган Онали, Аёлни эъзозлаган, бошига кўтарган, қадрлаган. Бу боқий туйғу буюк аждодларимиздан бизгача етиб келган, сайқалланиб, муқаддаслик касб этган.

Шундан бўлса керак, мустақиллик бизга қайтариб берган энг муҳим ҳақиқат бу — аёлга бўлган эътибор, эътибор ва эъзоздир.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Соғлом ва баркамол авлод бунёдкори бўлган оналарни эъзозлаш миллат учун энг муҳим масалалардан бирига айланди. Шундан бўлса керак, истиқлолнинг ўтган 14 йили мамлакатда малака ошириш ролини янада оширишга, оналар саломатлигини сақлашга, аёлларга жуда катта имтиёзлар яратиш борасида икки томонлама ҳамкорликни очиб берди. Мамлакат раҳбаридан тортиб оддий фуқарогача хотин-қизларимизнинг янада фаол бўлишига, барча жаҳонларда иштирокини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратди.

Куни кеча Президентимизнинг 8 март байрами муносабати билан йўллаган табриклари меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда, хотин-қизлар кўмиталарида, қолаверса, бутун мамлакатимизда жуда катта кўтаринкилик билан кутиб олинди.

Таҳририятимизга ушбу самимий табрикдан руҳланган хотин-қизларимиз ўз муносабатларини билдиришмоқда. Донишмандлардан бири айтаган экан, одамларга қилинган самимий эътиборни одамлар ҳаммиса эъзозлайдилар. Мана шу пурма — ҳикматнинг ижобати сифатида айрим фикрларни газетхонларимизга ҳавола қиламиз.

Хурсантош ШУКУРОВА, Каттақўрғон туманидаги 17-ўрта мактаб бошланғич синф ўқитувчиси:

— Мен аёлларимизга йўллаган байрам табригини ҳаяжонланиб ўқиб чиқдим. Муаллимларнинг машаққатли меҳнати, рағбат маъносидан ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги фикрлардан тўқунланиб кетдим. Табрикнинг ҳар бандида хотин-қизларимизга бўлган меҳр, ҳурмат ўз ифодасини топган. Шу билан бирга ушбу табрик биз оналар олдида фарзанд тарбияси, юрт тинчлиги борасида муҳим вазифаларни кўяди.

Шоира ҚОДИРОВА, Тошкент тиббиёт академияси катта ўқитувчиси, олий тоифали шифокор:

— Ҳаётимизда байрамлар кўп. Шулар ичида 8 март ўзига хос байрам сифатида дилда сақланади. Чунки бу айём нафақат хотин-қизлар, балки баҳор бошланиши байрами ҳамдир. Ушбу кўвончи кунда бизларга Президентимиз томонидан билдирилган тилаклар эса ҳар бир хондонга нур каби кириб, мунис аёлларимиз қалбини ёритди. Табрикда шифокорлар меҳнатига ҳақ тўлаш, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг мақсади ҳамда вазифаларига алоҳида аҳамият қаратилган. Тиббиётда яхши бир анъана бор: ҳар қандай бемор энг аввало ширин сўз ёрдамида даволанади. Табрикдаги дил сўзлари қайси касб эгаси бўлмасин, барча хотин-қизлар кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади, жамият олдидаги масъулиятини янада ошириб деб ўйлайман.

Ҳолида РУСТАМОВА, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент вилоят бўлими маслаҳатчи мутахассиси:

— Ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади, деган нақл бизнинг мамлакатимизда асосий қоидалардан бирига айланди. Чунки, куни кеча Президентимизнинг хотин-қизларга йўллаган табригида аёлларнинг жамиятдаги нуфузи ва мавқеини ошириш, айниқса, қишлоқларда яшовчи аёлларимиз учун янги-янги иш

ўринлари яратиш ҳақидаги фикрларнинг исботи сифатида хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган фармонлар ва улар ижросини таъминлаш борасидаги кенг қўламли ишлар кўз ўнгимдан ўтди.

Табрикнинг ҳар бир сатрида аёлларимизга бўлган чексиз эътибор ёрқин кўриниб турибди.

Юртбошимизнинг биз бундан буён ҳам аёлларимизга муносиб турмуш шароити яратиш бериш, уларнинг ақл-заковати, қобилият ва истеъдодини рўйбга чиқариш, ҳаётдан рози бўлиб яшаш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этмиш, деган меҳрли сўзларидан қаттиқ ҳаяжонландим.

Дарҳақиқат, ҳукуматимизнинг табиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини, касаначилик фаолиятини ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорлари бу борада яратилаётган қулайлик ва имтиёзлар, ўйланманки, ана шу йўлда янги амалий қадамлар бўлиб хизмат қилади.

Дилором ШАРИПОВА, Яқкасарой тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси:

Президентимизнинг байрам табриги барчамизнинг қалбини мизда яна бир бор Ватанга садоқат, ифтихор, гурур ва масъулият ҳиссини уйғотди.

Байрам табригида таъкидланганидек, «Яратганинг буюк ва беқиёс мўъжизаси бўлмиш аёл зотини таърифлаш ва мадҳ этиш учун ҳар қандай ёрқин тинимол ва ташбехлар қамлик қилади».

Кези келганда айтиш керакики, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғоялари асосида Мустақиллик майдонида қад кўтарган, ўзида бахтиёр Она сиймосини муҳасам этган ёдгорлик мажмуасига Мустақиллик ва эзгулик деб ном берилмиш ҳам мамлакатимизда аёлларга бўлган ҳурмат ва эътиборнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Мен табрикни тинглар эканман, шахсий ҳаётда, жамиятда ўз ўрнини топган бахтли аёл сифатида ўзимда яна бир бор чуқур эътиром туйғусини ҳис этдим...

Ғафурх ҲАМРОЕВ

ЎзХДП ҳаёти

МАҚСАД — ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

Хива педагогика коллежида Хоразм вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши билан ҳамкорликда «**Сиёсий саводлиқ электротириш шакллантириш — республика сиёсий кучларининг бош мақсади**» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. ЎзХДП Дастурида партия хотин-қизлар ва ёшлар муаммолари билан бевосита шуғулланишни ўз олдига мақсад қилиб белгилангани алоҳида таъкидланган.

Давра суҳбатида кириш сўзи билан очган коллеж директори, ЎзХДПдан халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Зарифбой Қўчқоров хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, ёшлар онгидан соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оилаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни барпо этиш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, улар орасида тад-

биркорлик, касаначиликни ривожлантириш, диний экстремизм, ақиданарастлик, гийёвандлик каби иллатларнинг олдини олишда маҳаллаларда, фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчиларнинг иш салоҳияти ҳақида ўз фикрларини баён қилди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ҳақида Урганч давлат университети катта ўқитувчиси Умар Шарипов, Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар учун яратилаётган шарт-шароитлар, қонун ҳужжатлари билан белгиланган имтиёзлар тўғрисида эса вилоят адилия бошқармаси мутахассиси Гулбаҳор Ганжаева сўзга чиқдилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Хивадаги Меҳрибонлик уйи директори Вера Пак Олий Мажлис

Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида мухокама этилган масалалар, қабул қилинган қонунлар тўғрисида сўзлаб берди.

Давра суҳбати иштирокчилари мавзусидан бахс-мунозара юритдилар. Хотин-қизлар, ёшлар вакиллари ҳамда ХДП фаоллари мазкур йўналишдаги мавжуд қонун ва қарорлар, жумладан, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури ва улар асосида қабул қилинган йўл-йўриқларни жойларда аниқ ва ўз вақтида бажарилиши устидан мониторинг ўтказилишини ташкил қилиш, мавжуд муаммоларни самарали ҳал этиш йўлида манфаатдор томонлар ҳаракатларини бирлаштириш ҳақида келишиб, тегишли вазифаларни белгилаб олдилар.

Давра суҳбатида Ўзбекистон ХДП МК раиси ўринбосари Гулруҳ Аъзамова иштирок этди ва мазмуна сўзга қилди.

Диққат: танлов

«КУРАШ — МИЛЛАТ ҒУРУРИ»

ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

Кўп минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек кураши бугунги кунда жаҳонни затб этди. Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг раҳнамолигида қадим спорт тури китса мuddат ичида дунёнинг беш қитъасини қамраб олишга улгурди. Айни пайтда дунёнинг 80 га яқин давлатларида Кураш федерациялари фаолият кўрсатаётгани ўзбек курашининг нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётганидан далolatдир. Дунё ҳамжамияти тобора доврў қозонаётган ўзбек курашининг Олимпия ўйинлари дастуридан жой олишига катта умид ва ишонч билан қарамоқда.

Ўзбек курашини жаҳонда ва мамлакатимизда янада кенгрў тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида Ўзбекистон Кураш федерацияси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси махсус танлов эълон қилади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:
Ўзбек курашининг шонли тарихи, маънавий-маърифий аҳамияти, етти иқлимни забт этган чапдаст полвонларимиз ибрати, мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизнинг улуғланишига бағишланган, бадий жиҳатдан юксак савияда ёзилган

насрий (роман, қисса, ҳикоя), публицистик (эссе, очерк, мақола) ҳамда шеър (достон, шеър, бағишлов) асарлар қабул қилинади. Мазкур асарлар республикамиз оммавий ахборот воситаларида танлов учун махсус ташкил этилган «Кураш — миллат ғурури» рукнида эълон қилинган бўлиши шарт.

ТАНЛОВНИ ЎТҚАЗИШ ТАРТИБИ:

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади. Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, асарнинг мазмун-моҳияти, ижтимоий аҳамияти, профессионал маҳорат асосий мезонлар ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Ғолиблар 2006 йилнинг 6 сентябрь — (Кураш Халқаро ассоциацияси ташкил топган ва ўзбек кураши халқаро спорт тури сифатида жаҳон майдонига чиққан) куни эълон қилинади.
Ижодий ишлар «Кураш — миллат ғурури» танловига доган қайд билан жорий йилнинг 20 августига қадар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (Жавоҳарлар Неру кўчаси, 1-уй)га тақдим этилади.

Ташкилий қўмита

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT

XALQARO AEROPORT

Хизматлар янгиликларини

O'ZSANOATQURILISHBANK

KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!

Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com

Хизматлар янгиликларини

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIJRA MARKAZI

MULKDORGA HANKORI!

Tel: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Bijra@mail.tps.uz

Хизматлар янгиликларини

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

ПАХТА БАНК — ФАРОВОНЛИГИНГIZ КАЛИТИДИР

Хизматлар янгиликларини

ЎзХДП ҳаёти

ҲАМКОРЛИҚДА ҲИКМАТ КЎП

Партиянинг Жиззах вилоят Кенгаши вилоят халқ таълими ҳамда соғлиқни сақлаш тизими ходимлари билан учрашувлар ўтказди.

ХДП шаҳар ва туман кенгашлари раислари, партиядан сайланган туман, шаҳар ҳамда вилоят Кенгашлари депутатлари, туман халқ таълими бўлимлари мудирилари, ўқитувчи-мураббийлар билан ўтказилган мулоқотда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Остонакул Бегбоев, ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Тойир Аҳмедов, Олий Мажлис Сенати аъзosi, Жиззах туманидаги «Кўёшсевар Парда» фермер хўжалиғи раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Парда Зиёдов, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатларидан «Жиззахпластмасса» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ҳайдар Хусанов, «Ҳомийлар ва шифокорлар» жамғармаси вилоят бўлимининг иккочи директори Хидир Шукуров, партиясининг Зарбдор, Фаллозор, Мирзачўл, Пахтакор туманлари кенгашлари раислари Алиқобил Ўсканов, Бурхон Темиров, Ҳаким Номозов, Донабой Соатов ва бошқалар халқ таълими тизимида ислохотлар самарадорлигини ошириш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирди, тақлифлар айтди.

Ҳаким Номозов: — Туманимиздаги умумтаълим мактабларида хорижий тилларни ўқитиш талаб даражасида эмас. Сабаби ўқитувчи-мутахассислар етишмайди. Шу муаммонинг ечимини топиш юзасидан вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликни йўлга қўймасак бўлмайди.

Алиқобил Ўсканов: — Болалар спортга эътибор кучаймоқда. Бу яхши,

аммо туманларда, хусусан; бизнинг Зарбдор туманида қиз болаларнинг мактабларда спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун хотин-қиз мураббийларнинг етишмаслиги сезилиб қоляпти. Бу масалада ҳам партиямиз билан халқ таълими бошқармасининг биргаликдаги ҳаракатига эҳтиёж борга ўхшайди.

Хидир Шукуров: — Халқ таълими тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби такомиллашмоқда. Ўқитувчи меҳнати қадр топяпти. Бундай шароитда ўқитувчилар ўзларининг малакасини ошириш, ёш авлодга мукамал билим беришга ҳаракат қилишлари лозим бўлади. Бугун муаллимдан обрўсини, ҳурмати билан сақлаш билишгина эмас, балки уни муттасил ошириб боришга, ҳақиқий устоз, фидойи, ватанпарвар бўлиш ҳам талаб қилинади. Ахир, қарс икки қўлдан чиқади, деб бежиз айтлмаган.

Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат қилаётган бир гуруҳ тиббиёт ходимлари билан ўтказилган учрашувда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлиғи, тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга оид ишлар қўлама ва бу борадаги вазифалар ҳақида сўз борди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Равадан Мўминов сўзидан:

— Ҳомийлар ва шифокорлар йили вилоят дастури қабул қилинди. Унга асосан бу йил тиббиёт тизимидаги янги қурилишлар, реконструкция ҳамда таъмирлаш ишлари учун 7 миллиард сўм маблағ сарфланши кўзда тутилмоқда. Шу рақамнинг ўзи жорий йилда аҳоли саломатлигини сақлаш борасида амалга оширилаётган ишлар қўламини

белгиламайдими?

Дўстлик тумани марказий шифохонаси бош врачси Шухрат Болтаев сўзидан:

— Бу йил туманимиз шифохонасида 50 миллион сўмлик динг зиёд қурилиш ҳамда таъмирлаш ишлари бажарилиши кўзда тутилган. Ўз даромадларининг бир қисмини ихтиёрий равишда ҳомийлик мақсадларига йўналтираётган олижаноб инсонлар орасида ХДП аъзолари кўпчиликни ташкил этаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Акрон Иномов сўзидан:

— Тиббиёт ходими деган номнинг нуфузи, мақомини ошириш, қўли енгил шифокорларнинг машаққатли меҳнатларини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш бўйича ҳам талаб қилинади. Ахир, ўз навабатида бундай гамхўрликка жавобан тиббий хизматлар сифатини ошириш, айниқса, аҳолининг ихтимой ночор қатламлари, биринчи навбатда ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар, етим-есирларга имтиёзли тиббий хизматлар кўрсатишни ташкил қилишнинг керак бўладики, булар партиямизнинг дастурий мақсадларига жуда мос келади.

✦✦✦

Ҳар иккала учрашувда соғлиқни сақлаш ва халқ таълими соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг мақсадлари партиямиз дастурида олинган суриланган вазифалар билан муштараклиги, бу эса ўзаро ҳамкорликда ишларнинг зарурлигини тақозо қилиши эътироф этилди. Ҳамкорликда эса ҳикмат кўп, дейишди.

Иброҳим ЖУНОУҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

КЎЧАТ ЭКИБ, БОҒ ЯРАТГАН

деновлик Абдулла ҳожи Ҳакимов адирликда ўн минг туп мевали дарахатдан иборат боғу бўстон бунёд этди

Инсон орзулар билан яшайди. Яхши ниятлар, эртанги кун умидлари ила умргузаронлик қилади. Деновлик Абдулла ҳожи Ҳакимов ҳам ана шундай яратувчи, яшнатувчи кишилар сирасида. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида у киши хайрили ишни амалга оширди. Денгиз сатҳидан 1800-2000 метр балангликда жойлашган «Откамар» адирликларидан ўн минг туп олма, анор, узум, ёнғоқ, ўрик, шафтоли ва бошқа мевали дарахтлар экди.

— «Ҳаким ҳожи» фермер хўжалиғимиз 2003 йил ташкил топган, — дейди Абдулла Ҳакимов. — 113 гектар майдонимиз бор. 2004 йилда 8 миллион сўм даромад қилгандик. Ўтган йили эса 60 гектарга галла, 53 гектарга эса пахта экилди. Режаларни ортиғи билан уддалаб, ўн миллион сўм соф фойда олдик.

Бугун мамлакатимизда ер ўзининг ҳақиқий эгаларини топапти. Лалми адирликдаги 95 гектар ерни тендерда ютиб олган фермер дастлабки йилда унинг 10 гектариди боғ яратди. Унга сув келтириш учун 2,5 километрга қувур ётқизилди.

Дарҳақиқат, боғ яратиш савоб. Ундан нафақат бугунги авлод, эртанги фарзандлар ҳам баҳраманд бўлишади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



Суратда: фермер хўжалиғи раҳбари Абдулла Ҳакимов набираси Нодирбек Омонов, ишчилар Мамаюсуф Омонов ҳамда Хурсандбой Ражабовлар билан кўчат экишмоқда. **Муҳаммади ЖУМАЕВ** олган сурат

БЎШ ИШ ҲАМ ҲАМКОРЛИК ЯРМАРКАСИ

НАМАНГАН (Ўза мухбири И.Разақов). Учқўрғон туманидан йилгирма нафар қиз тахрибали мураббийлардан зардушлик сирларини ўрганадиган бўлди. Шундан сўнг улар уйда ишлаб, оилавий бюджетни қўлайтиришга ёрдам беради.

Қизлар бу имкониятни туман маданият саройида ўтказилган меҳнат ярмаркасида қўлга киритди. Ярмаркада корхоналар, ташкилотлар, ширкат ва фермер хўжалиқлари икки юздан ортиқ иш ўринларини тақлим этди. Натيجада туманининг 73 нафар фуқароси иш берувчилар билан меҳнат шартномаларини имзолашди.

МАҚСАД — ЁШЛАРГА КЎМАКЛАШИШ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ёш авлодни тарбиялаш, талаба-ёшлар истеъдолларини тўла намойён этишларига кўмаклашиш учун қатор дастур ва лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Жамғарма томонидан яқинда пойтахтимиздаги Замонавий санъат марказида «Талабалар ташаббуслари» форуми илк маротаба ўтказилди.

Унда пойтахтимизнинг етакчи олий ўқув юртиларида таҳсил олаётган 150 нафардан зиёд фаол талабалар иштирок этди.

Форум доирасида «Келажак овози», «Табии грантлари дастури» ва «Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган «Интеллектуал олимпиада» танлови ҳамда Стипендия дастурининг тақдими ўтказилди.

Бу ишлар замирида талаба-ёшларнинг келажакда етук мутахассис бўлиб вояга етиш мақсади муҳим ҳисобланган. Тадбирда иштирок этган ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Ернинг муносиб эгасини топиш — долзарб масала

Она — Ўзбекистон азалдан ўзининг жаннатмакон боғ-роғлари, етти қилимга донги кетган мевалири-ю, узумлари, сархил сабзавотлари билан маълулу машур. Шунданми, авлодлардан-авлодларга ўтувчи ва эл тилида дoston бўлган боғ-роғлар яратиш тажрибаси — қадим-қадимдан эътироф этиб келинади. Негаки, саховатли заманимизнинг мева-сабзавотлари турли дармондориларга бойлиғи билан тенгсиз...

Афсуски, сўнгги йилларда аграр соҳада сердаромад тармоқ ҳисобланган мева-сабзавотчилик ва узумчиликка жойларда эътиборнинг сустлиги, хусусан боғ ва тоқзорларнинг қаровсизлиғи ҳамда улар парваришидаги бирламчи юмушлар — махсулот тайёрлаш ва қайта ишлаш борасидаги технологик жараёнларнинг бир қадар назоратдан четда қолганлиги бугун соҳада қатъий ислохотлар ўтказишни тақозо қилди.

Юртбошимизнинг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори билан айтиш мумкин, мева-ю узумнинг пулни ололмай, йиллаб идорама-идора югуравериб сарсон бўлган ва охир-оқибат пешонасига «Бокиманда» деган тамга орттирган ўзбек деҳқонининг кўкраги мустақиллик босис шамол тегди.

Ҳа, бугун ўзбек деҳқони ери,

мулки, техникаси, режа-ю, орзу-умидларига эга. Зеро, у бугун фермер. Танловларда иштирок этиб, ўз замини эгасига айланапти. Замонавий андаза ва кўрсатмалар асосида меҳнатни ташкил қилишга қаратилган механизм мурватли энди унинг қўлида.

Вилоят ҳокимлигининг олинган маълумотларга қараганда, бугун Бўстонлик Қибрай, Паркент, Зангиота, Тошкент ва

Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир



УМУММИЛЛИЙ ДАСТУР АСОСИДА

2004-2009 йилларга мўлжалланган «Мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»ни ҳаётга таъбиқ этиш борасида Яққабоб туманида ҳам қатор ибратли ишлар амалга оширилди.

Умуммиллий дастурга кўра, туманда 24 та янги мактаб қурилиши, 26 та мактаб капитал реконструкция қилиниши, яна шунчаси капитал ва 16 таси жорий таъмирланиши кўзда тутилган. 2005 йилда 5 та мактаб капитал реконструкция қилинди. Яна 5 таси капитал таъмирланди. 2 та замонавий тилдаги янги мактаб қад ростлади. Бу ишлар 2006 йилда ҳам жадал суръатлар билан олиб борилиши кўзда тутилган. Жумладан, ушбу йилда 3 та мактаб жорий, 4 та мактаб капитал таъмирдан чиқарилади. 3 та мактаб капитал реконструкция қилиниб, 5 та янги мактаб биноси қад ростлади.

Айни кунларда туманда 104 та умумтаълим мактаби, 39 та мактабгача ва 5 та мактабдан ташқари таълим муассасалари, 2 та ихтисослаштирилган мактаб-интернати мажхуд бўлиб, улардаги 53500 га яқин ўқувчи-45439 нафар педагог таълим-тарбия бериб келмоқда.

Бугун халқ таълими соҳасига давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Тан олиб айтиш керакки, яқин-яқингача асосан шаҳар мактаблари ўқувчиларига замонавий биноларда ўқишарди. Энди эса юртимизнинг чекка-чекка қишлоқларида ҳам барча қўлайликларга эга замонавий мактаблар қад ростламоқда. Болажонлари-

миз энг сўнгги русумдаги компьютер ҳамда ўқув ускуналари билан жиҳозланган шинам синфхоналарда билим олиш имкониятига эга бўлишмоқда, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Аҳмаджон Миранов.

Туман мактабларида турли кўрик-танлов ҳамда спорт мусобакалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Уларда иштирок этаётган ўқитувчи ва ўқувчилар вилоятда фахрлий ўринларни қўлга киритиб келишмоқда.

Тумандаги мактаб кутубхоналарида ўқувчилар учун барча бадий ва ўқув адабиётлари етарли. Бу ишларда ҳомийлар ҳам четда туришгани йўқ. Улар томонидан икки миллион сўмдан зиёдроқ маблағга 75, 17, 40, 91, 35, 48, 25-мактаблар кутубхоналарига турли номдаги адабиётлар тўхта этилди.

Халқ таълими бўлимининг болалар спортини ривожлантиришга қўшаётган хиссаси ҳам эътиборга лойиқ. Ўтган йили туман халқ таълими ходимлари 3 млн. сўмга яқин маблағ ҳисобига мактабларда спортни тарбия этишга ўзларининг муносиб хиссасини қўшдилар. Айни пайтда болалар ва ўсмирлар спорт мактабидида дзюдо, кураш, футбол, волейбол, енгил атлетика, қўл тўпи, баскетбол, шахмат-шашка бўйича 25 та секция ташкил этилиб, уларда миндан ортиқ ўғил-қизлар мунтазам шуғулланмоқда.

Кейинги беш йил ичида мактаб ўқувчиларининг бу борада қўлга киритган ютуқлари ҳам таҳсинга лойиқ. Масалан, ўқувчилардан Д.Хазратова, К.Тура-

бов, О.Ҳасанов кураш бўйича, Д.Туракулова, Г.Алиқулова, М.Раҳимов, Н.Жўрақобил, С.Шаҳриевлар эса дзюдо бўйича республика чемпиони бўлишди. Шунингдек, Д.Хазратова 2001 йилда Россиянинг Твер шаҳрида ёшлар ўртасида кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида бронза, 2005 йилда Англияда ўтказилган халқаро мусобақада олтин медаль соҳиби бўлган бўлса, Н.Жўрақобил 2002 йили Жаңбуий Кореянинг Сеул шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган мусобақада кумуш медални қўлга киритди.

Шунингдек, туманда таълим муассасаларини ўқув жиҳозлари билан таъминлаш мақсадида халқ таълими бўлими қосида ўқув жиҳозларини ишлаб чиқариш ва таъмирлаш цехи ташкил этилган эди. Ушбу сайёҳаракатлар қисқа муддат ичида ўзининг иқтисодий самарасини бера бошлади. Улар томонидан мактаблар ёрдамчи хўжалиғида етиштирилган ёғоч-боп дарахт ва тоғлардан ўқувчилар партаси ва синф доskalари тайёрланиб, мактабларга тақсимлаб берилмоқда. Хуллас, бугун яққабоблик халқ таълими фойдоилари фарзандларимизнинг билими, доно, ҳар томонлама етук бўлиб қолмоқда етишларида етук қўй-қўратларини ишга солиб меҳнат қилмоқдалар.

Абдурасул ПАРДА Суратларда: 2-ихтисослашган мактаб-интернати директори Тошкан Диев ўқувчилар даврасида; янги мактаб бинолари.



Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган «Интеллектуал олимпиада» танлови ҳамда Стипендия дастурининг тақдими ўтказилди.

зорларимизни тўкин қилиш, рақобатбардор махсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Ҳозир фермер бўлиш ниятида олиб-югуриятганларнинг сони кўп. Уларнинг қай бири билан суҳбатлашсанг, ўзининг ҳар томонлама устунлигини гапирди. Тўғри, бу уларнинг ҳуқуқи.

Бироқ, ерни, боғ-роғларни эртага яшнато олишига кўзи етадими? Бирор узум навининг фарқига борадими? Билими,

лардан тушган маблағлар ҳисобидан ҳамма қарздорларни узиб бўлинган.

— Тугатилаётган «Гулбоғ» ширкат хўжалигининг ерларида 381 та лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, айниқса, боғ ва узумзорлар ёпик қимоди савдоида илгари ширкат хўжалиғида ишлаганларгагина тарқатилганлиги яхши иш бўлди, — дейди махсус комиссия раиси Абдурашид Шомиров. — Даъвогарларнинг энг муносибларини саралаб, ерларни

ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРИБ

— Ҳар икки соҳа ҳам мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга. Биргина мактабларда тиббиёт хизмати масаласини олиб кўрайлик. Бу борада муаммонлар йўқми? — дея сўз бошлади Фаргона шаҳрида ўтган вилоят соғлиқни сақлаш ва халқ таълими бошқармалари, ЎзХДП вилоят кенгаши ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партиямизнинг депутатлик гуруҳи ҳамкорликда ташкил этган давра суҳбатда сўзга чиққан ЎзХДП Учқўрғон туман кенгаши раиси Илхомжон Каримов. — Хусусий шифохоналарда даволаш ишларининг аҳолини олиб кўрин... Биз ХДП фаоллари шу соҳа ходимлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Давра суҳбатидида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат Дастурининг Фаргона вилоятидаги ижроси хусусида маъруза қилган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳилом Зайниддинов ҳам, мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг бажарилиши йўлида вилоятда қилинган ишлар ва келгуси режалар юзасидан маъруза қилган вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Назиржон Ҳакимов ҳам ўз соҳаларида эришилган ютуқлар ва мавжуд муаммолар хусусида батафсил тўхтадилар. Суҳбатда икки соҳанинг бири-бирига боғлиқ муаммолари, хусусан, мактаб-

лардаги тиббиёт хоналарининг аҳоли, ўқувчилар орасида турли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида биргаликда бажарилаётган ишларни режалаштириш, бунда ХДП фаолларининг роли, айниқса, чуқур мулоҳаза қилинди. Иккала соҳа ходимлари ҳам ХДП электорати ҳисобланади. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш эса жамият тараққиётига хизмат қилиши табиий.

— Ўқитувчининг, тиббиёт ходимининг фаолияти жамият тараққиётида ҳал қилувчи нуқталар ҳисобланади, — деди ХДП вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Зиёдахон Абдуллаева, — халқ таълими ҳамда соғлиқни сақлаш тизимларида олиб борилаётган улкан ислохотлар самарадорлигини ошириш ХДП фаолиятининг ҳам бош йўналишларидан бирини ташкил этади. Мақсадларимиз муштарак. Бу борада ўзаро ҳамкорлик, қўлни-қўлга бериб ишлаш бизнинг бош мақсадимиздир.

Халқ таълими ҳамда соғлиқни сақлаш ходимларига ҳақ тўлашни такомиллаштириш, уларни моддий рағбатлантиришга қаратилган Президент Фармони ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши юзасидан вилоятда амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам батафсил фикрлар алмашилди.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЁШЛАР ДАВРАСИДА

«Истиқбол» ёшлар қанотининг мақсад ва вазифалари ҳақида кўп бор гапирди. ХДП вилоят, шаҳар-туман кенгашлари қосида ташкил этилган минтақавий бўлимлари алақадор амалий ишга киришиб кетган. «Истиқбол» ёшлар қанотининг Самарқанд вилоятидаги сардорлари ҳамда фаол, жонқуяр аъзолари томонидан жойларда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Ана шундай учрашувлардан бири Иштихон туманидаги тиббиёт коллежида бўлиб ўтди. Билимга, янги гога-ю, яратувчанликка ташна 300 нафардан зиёд қишлоқ ёшлари йиғилган залда қизгин баҳс-мунозаралар узоқ давом этди.

— Мақсадимиз қуруқ гапдан, расмиётчиликдан иборат эмас, — деди «Истиқбол» ёшлар қанотининг вилоятдаги етакчиси Ўлмас Сайдиёв — Тенгдошларимиз — ёшларнинг қалбига кириб бориш, керак бўлса уларнинг ҳамроҳи, суянчига айланиш.

Биз фурсатдан фойдаланиб, учрашув иштирокчиларидан айримларини суҳбатга тортидик.

Нафиса Пўлатова, тиббиёт коллежи талабаси:

— Ёшлар билан ишлайдиган ташкилотларнинг қўллаб-йигинлари, учрашувларида иштирок этганман. Аксариятда бир хиллик. Чуқур билим олишга даъват, интизом ва турли тадбирларда фаол иштирок этишга ундаш. Ёшларнинг орзу умидлари, муаммолари билан жиҳдий жон койитганларни учратмадик десам ҳам бўлади. Бугун ХДП вилоят кенгаши қосида фаолият кўрсатаётган «Истиқбол» ёшлар қаноти дадил фикрлари билан эътиборини тортиди. Лекин бу қалбимиздан жой олди дегани эмас. Биринчи бор ўтказилган учрашув асосан савол-жавоблар, мақсад ва вазифаларни тушунириш билан ўтди. Амалий ишга қачон киришилади, натижалар қандай бўлади буни вақт кўрсатади.

Шухрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ТОШКЕНТ БОҒЛАРИНИНГ

ТИКЛАНДИ, ЯНАДА РИВОЖЛАНДИ. БУГУНГИ ТАНЛОВЛАР НАТИЖАСИ

